



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ва тизимли амалга ошириш натижасида **ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.**

Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, пудрат курилиш ишлари ҳажми 16,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибида хизматлар кўрсатиш улуши 53 фоизгача ўсди.

Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноздан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

2013 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эквивалентда 13,0 миллиард долларни ташкил этиб, 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар ҳажми 3,0 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлди, унинг 72 фоизидан ортиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқариш йўналишида умумий қиймати қарийб 2,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этган 150 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди.

Ишлаб чиқариш чиқимларини рационаллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 11,2 фоизга, ялпи ички маҳсулотнинг энергия сарфи кўрсаткичини эса 15,3 фоизга пайсатириш таъминланди.

Жаҳон бозори конъюктурасининг бекарорлигига қарамай, экспорт ҳажмининг 10,9 фоизга ўсиши таъминланди ва ташқи савдо айланмасининг 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдосига эришилди. Жами экспорт ҳажмининг 72 фоизидан ортиги хом ашё бўлмаган товарларга тўғри келди.

Республиканинг банк тизими барқарор фаолият кўрсатмоқда, унинг капитал етарлилиги даражаси минимал халқаро стандартлардан 3 баравар ортиқ миқдорда сақланиб қолмоқда, ликвидлиги эса энг юқори талаблардан 2,2 баравар кўпдир. Утган йили тижорат банклрининг жами капитали 25 фоизга кўпайди, кредит портфели жами суммасининг 80 фоизга яқини ички манбалар ҳиссасига тўғри келади.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашди. Кичик тадбиркорлик соҳасида 26 мингтадан ортиқ янги субъект ташкил этилди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 55,8 фоизгача ўсди.

Аҳоли бандлигини ошириш дастурини бажариш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар 2013 йилда қарийб 970 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишини таъминлади, улардан 60,3 фоиздан ортиги қишлоқ жойларга тўғри келади. Касб-хунар коллежаларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса — 16 фоизга ўсди. Аҳоли жами даромадларининг ярмидан ортиги тадбиркорлик даромадлари улушига тўғри келади.

Қишлоқ жойларда 353 та мавзеда умумий турар-жой майдони 1,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган 10 мингта шинам уйлар қурилди, бу ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни юритиш шарт-шароитлари юзасидан қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳали эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумий қабул қилинган халқаро нормаларга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқариш чиқимларининг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга материаллар ва энергия сарфининг юқорилиги, шунингдек, солиқ имтиёзлари ва преференцияларга ҳаддан ташқари берилиш рақобатбардошликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда. 140 тадан ортиқ корхона, жумладан, 67 та йирик корхона ханузгача зарар кўриб ишламоқда.

2. Мамлакатни узоқ муддатли ривожлантиришнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, куйдагилар 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этиш;

Давоми 2-бетда.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига



ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

аҳоли бандлиги самардорлигига хизмат қилмоқда

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўпгина давлатларда аҳолини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш ўта жиддий ижтимоий масалага айланди. Ишсизлик даражасининг ортиши, даромад топиш манбаларининг қисқартирилиши турли ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқараётганини ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам кўриш мумкин.

Давоми 3-бетда.

Муносабат

Кучли ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

**халқимиз турмуш
даражасини
юксалтирмоқда**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ишлорлар энг аввало инсон манфаатига, унинг ҳаёти фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини тинглаб, бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Олдий бир мисол. Бир вақтлар енгил автомобиль сотиб олиш кўпчиликка фақат орзу бўлган. Катта-катта қишлоқларда ҳам бармоқ билан санарли даражада — 5-6 та машина бўлган, холос. Ўз шахсий автомобилига эга киши энг бой, обрўли одам ҳисобланган. Бугунчи? Бугун манзара бутунлай ўзгарди. Маърузада таъкидланганидек, айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Табиийки, хонадонга битта енгил автомобилнинг кириб келиши унинг оирини қанчалик енгил, узогини қанчалик яқин қилади. Бунинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамиятини ҳар бир киши чуқур тушунади, англайди, албатта. Ҳаётимиз даражаси ва сифатини кўрсатадиган яна бир омил бу уй-рўзгоримизнинг тегишли жиҳозлар, маиший техника билан таъминланганлигидир. Кейинги йилларда юртимиздаги оилаларни узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Хонадонларни холодиликлик, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобил телефон ва бошқа замонавий маиший техника воситалари билан таъминлаш даражаси ошмоқда.

Ҳўш, бу натижаларга ниманинг ҳисобига эришилапти, деган савол туғилиши табиий. Энг аввало, мамлакатимизда одамларнинг даромадини кўпайтиришга қаратилган ишлар ўзининг юксак самарасини берапти. Ўз-ўзидан аёнки, озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж молларидан маблағ орттирган оила бундай харид қобилиятига эга бўлади.

Давоми 2-бетда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

**аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи таъминланса, ижтимоий
фаоллиги ошади, давлат бошқаруви янада демократлашади**

Ҳуқуқий эксперимент даврида биргина Аxbорот-кутубхона марказига 170 дан ортиқ сўров келиб тушди ва уларга қонун лойиҳасида белгиланган тартибда ва муддатда жавоб берилди. Ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичига киришилгандан сўнг ҳафтанинг ҳар шанба кунини «Веб-сайтлар билан ишлаш кунини» деб эълон қилинди. Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти (www.samarkand.uz) доимий ишчи ҳолатида бўлиб, қонун лойиҳасида белгиланган талаблар асосида фаолият кўрсатмоқда.



Ҳозирги кунда энг тезкор ва батафсил маълумот тақдим этиш манбаларидан бири — расмий веб-сайтлар ҳисобланади. Бухоро вилоятида ҳуқуқий эксперимент бошланмасдан илгари 12 та давлат органида веб-сайт ташкил этилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 46 тага етди. Барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари buxoro.uz портали таркибида

веб-саҳифаларини юритишмоқда. Қолаверса, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотлардан батафсил ва тезкор хабардор этиш мақсадида бундай жойларда инфокиосклар ҳам ўрнатилиб, уларга зарур маълумотлар киритиб боришмоқда.

3

Депутат масъулияти

Депутатнинг маҳаллий вакиллик ҳокимиятида амалга ошираётган ишлари партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлаш мақсадида қандай ташаббусларни кўтараётгани билан ўлчанади.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

**Аъзолари
фаол ва
талабчан**

**бошланғич ташкилот
кучли бўлади**



www.uzbekistonovozi.uz



ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ассалому алайкум,
ҳурматли газетхон!**

Янги йилда сиз билан яна дийдорлашиб турганимиздан мамнунмиз. Газетамизга обуна бўлганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Биз яна йил бўйи сизга қадрдон дўст, яқин ҳамроҳ ва сирдош бўлишга, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Газетага обуна бўлган киши уни вақтида олиб ўқишни истайди, албатта. Газетамиз уйингиз ёки ишхонангизга ўз вақтида етиб боришга почта бўлимлари билан биргаликда биз ҳам масъулмиз. Ушбу масалада бирор муаммо бўлса, таҳририятимизга дарҳол кўнгироқ қилишингиз ёки ёзма равишда хабар беришингизни сўраймиз.

Тел: 233-65-45, 233-81-97.
Факс: 233-65-45

Электрон почта: e.mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари партиясига Дастурига мувофиқ хотин-қизларни касаначиликка жалб этиш, уй меҳнатини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида шу ҳақидаги таҳлилий мақола билан танишасиз.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

Меҳнат қилиш имконига эга ҳар бир фуқаро бор қобилияти, кучи ва салоҳиятини, аввало, ўз оиласи фаровонлиги ва жамият равнақига сарфласин.

Ижтимоий ҳамкорлик

аҳоли бандлиги самарадорлигига хизмат қилмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида ишлаб чиқилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари туфайли республикамиз инқироздан энг кам зиён кўрган мамлакатлардан бири бўлди. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ёндашув шаклланди. Ҳар йили парламенти-мик томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида яратилаётган минглаб янги иш ўринлари одамлар ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Абдулхамид НУРМАТОВ,
ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси

Энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган кишилар қўллаб-қувватланмоқда.



Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш асосида бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ўрнатилган ҳамкорлик янги самара берапти. Хусусан, партия ташкилотлари ва депутатлари билан биргаликда жойларда бандлик масаласида олиб борилаётган ишлар, одамларнинг иш жойларига бўлган эҳтиёжи, ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолини оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш масалаларида назорат-таҳлил ишларини мунтазам олиб бормоқда. Мониторинг натижасида аниқланган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақрирлар маҳаллий вакиллик ҳокимияти даражасида муҳокама олиб чиқилапти. Масалан, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижроси доирасида ўтган йили ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари Олтинқул туман Кенгаши сессиясига «Урта махсус касб-хўнара таълими муассасалари би-

тиривчиларини ишга жойлаштиришнинг мавжуд механизмларини ўрганиш ва 2013-2014 ўқув йилида уч томонлама шартнома билан бандлик масаласида тақомиллаштириш тўғрисида» халқ депутатлари Бўз туман Кенгаши сессиясига эса «Туманда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш юзасида амалга ошириладиган ишларнинг ўрганиш якуни тўғрисида»ги масалалар олиб чиқилди. Шунингдек, иш ўринлари ташкил этиш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қўмаклашиш катор масалалар доирасида комиссиялар йиғилишлари мунтазам олиб бормоқда. Бу борада Жалақудук, Балиқчи, Пахлатобод, Қўрғонтепа, Улуғнор ва Андижон туманидаги депутатларимиз ташаббус кўрсатишди.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш, ўз ишини бошлаш истиқдоди кийинчалик кўмаклашиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, ўтган йили «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»

лоийхаси доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди. Жойларда партия электорати — ижтимоий кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган инсонлар дуч келаётган муаммоларни яна бир бор чуқур ўрганиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Шу боис, мазкур йўналишдаги тадбирларда аҳоли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Мазкур йўналишдаги ишларимиз самарасини таъминлашда ҳамкор ташкилотлар билан бирга жойларда ўтказган амалий тадбирларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, ўтган йили Қўрғонтепа туманида «Маҳаллий ресурс ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда инвестицион дастурларни амалга ошириш бўйича қўшимча лойиҳаларни тузиш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи вазифалари» мавзусида ташкил этилган амалий семинарга тўхталтиш ўриндир. Тадбир доирасида 32 нафар йигит-қиз ўз

ишини бошлаши учун тижорат банкларидадан имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатларга эга бўлди. Партияимиз депутатлари, фаоллари ёшлар кредит олиб, мустақил ишни йўлга қўйгунча уларга кўмаклашишди. Натижада 367 янги иш ўрни яратилди. Яқинда вилоят кенгаши томонидан ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда худудлардаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти, улар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳажми, сифати ва тури, иш ўринларини ўрганиш бўйича махсус режа ишлаб чиқилди. Шу асосда меҳнат лаёқатли, касби, ҳўнари бор электорат вакиллари кўмаклашишга жалб қилмоқчимиз. Ҳозир уларни корхоналарга бириктириб, ўз ишини йўлга қўйиши, оила фаровонлигини мустаҳкамлашига кўмаклашишмоқда.

Умуман олганда, электоратимиз дуч келаётган турли ижтимоий масалаларни ўрганиш ва самарали ҳал этиш, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалла билан ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ошииб бормоқда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бугунги кунда бир қатор давлатлар фуқаролар билан ахборот ва фикр алмашиш учун қўлай муҳит яратишга эътиборни кучайтирмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи таъминланса, ижтимоий фаоллиги ошади, давлат бошқаруви янада демократлашади

Демократик жамиятда давлат бошқаруви қандай амалга оширилади? Жавоб — оддий. Яъни, аҳолининг бевоҳита иштироки орқали. Бунинг учун эса фуқаролар мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётгани, улар қай йўсинда бажарилаётгани, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар қандай ҳал қилинаётганидан хабардор бўлиши керак. Ислохотларнинг бориши ҳақида етарли тасаввурга эга киши шунга қараб ҳаракат қилади, ўз иши, эртанги кунини режа тузади. Турли йўналишлар бўйича давлатнинг сийосати, дастурлари ҳақида ўз муносабати, қарашларини шакллантириб боради. Бу кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.



Эътибор билан қаралса, бутун дунёда давлат ва жамият бошқарувида ёндашув ўзгариб, тобора тақомиллашиб бораётганини кўраемиз. Фуқаролик жамияти шаклланишини ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган халқаро институтлар аҳолининг сийосий-ҳуқуқий билими, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошииб бораётгани бунга асос бўлаётганини қайд этмоқда. Шу боис бугунги кунда бир қатор давлатлар фуқаролар билан ахборот ва фикр алмашиш учун қўлай муҳит яратишга эътиборни кучайтирмоқда. Бу ахборот соҳаси ҳар томонлама ислох қилиниши билан боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб фикрландиган бўлсак, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги

тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани бежиз эмаслиги аён бўлади. Чунки фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминламасдан, фуқаролар ахборот олишнинг ҳеч қандай тўсиқсиз механизмини яратмасдан туриб давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириб бўлмайди.

Бу ҳақда гап кетганда, Давлатимиз раҳбарининг Фармоиши асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти органлари негизда ўтказилган ҳуқуқий экспериментнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталтиш ўриндир.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигининг

Ҳуқуқий эксперимент жараёнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни атрофлича хабардор қилиб бориш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

расмий веб-сайти (www.samarqand.uz) доимий ишчи ҳолатида бўлиб, қонун лойиҳасида белгиланган талаблар асосида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг ва ҳуқуқий эксперимент бошқа субъектларининг веб-сайтларида ҳуқуқий экспериментнинг бориши тўғрисида маълумот берувчи махсус бўлимлар ташкил этилди.

Вилоятдаги 91 та ҳуқуқий эксперимент субъектининг 37 таси веб-сайтлари дизайни янгиланди, 15 та корхона-ташкilot янги веб-сайт яратди.

та давлат органида веб-сайт ташкил этилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 46 тага етди. Барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари buxoro.uz портали таркибига веб-саҳифаларини юритишмоқда. Қолаверса, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотлардан батафсил ва тезкор хабардор бўлиш мақсадида бундай жойларда инфокиосклар ҳам ўрнатилиб, уларга зарур маълумотлар киритиб боришмоқда.

— Қонун лойиҳаси асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биноларининг фуқаролар эркин кириб чиқиши мумкин бўлган жойларда ахборот олиш хоналари ташкил этилиб, белгиланган мазмундаги стендлар ўрнатилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова. — Ушбу стендларда идоранинг иш тартиби, фуқароларни қабул қилиш жадавали, уларнинг муносабатлари кўриб чиқиш тартиби, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва амалга ошириш тартиби ҳамда бошқа зарурий маълумотлар жойлаштирилган. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий эксперимент аҳамияти ҳақида қатор тушунтириш тадбирлари ўтказилганда сўнг мазкур маълумотлар билан танишувчилар сони кескин ошгани кузатилди. Бу қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида олиб қилинган тадбирларнинг кўрсатмоқда.

Умуман, ҳуқуқий эксперимент давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, сўз ва ахборот эркинлигига эришиш бўйича катта таъриба тўпланди. Бу жамиятда демократик таъминланган янада мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилиши билан азиятти.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Бошланғич ташкилот ташаббуси

Қишлоқларда тиббий хизмат сифати ошади

Туман партия кенгаши бошланғич ташкилот ташаббусини қўллаб-қувватлади, депутатлик гуруҳи эса бу долзарб масалани сессия муҳокамасига олиб чиқди

— Зафаробод туманида 8 та қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди, — дейди Лолазор маҳалла бўлими раиси Фароқий Мирзахон. — Деяки Лолазор маҳалла бўлими раиси Фароқий Мирзахоннинг айтишича, туман Кенгашининг ўтган йилиги охириги сессиясида муҳокама этилди. — дейди ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережелов. — Муҳокама жараёнида қишлоқ врачлик пункти фаолиятини янада яхшилаш, тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим тақлифлар ўртага ташланди. Энг муҳими, бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қарор қабул қилинди. Айни пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш ишлари депутатлик гуруҳимиз назоратида турибди.

Бугун туманда партияимизнинг 26 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ташаббуси асосида мазкур маҳалла бўлими раиси Фароқий Мирзахоннинг айтишича, туман Кенгашининг ўтган йилиги охириги сессиясида муҳокама этилди. — дейди ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережелов. — Муҳокама жараёнида қишлоқ врачлик пункти фаолиятини янада яхшилаш, тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим тақлифлар ўртага ташланди. Энг муҳими, бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қарор қабул қилинди. Айни пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш ишлари депутатлик гуруҳимиз назоратида турибди.

Шундай қилиб, куйи бўйин ташаббуси асосида мазкур масалани атрофлича ўрганиш учун муҳокама қилинган депутатлик фаолиятининг иборат гуруҳи иш бошлади. Тумандаги барча КПП-нинг қиш мавсумида иситилиши, тоза ичимлик суви билан таъминланганини янада яхшилаш билан боғлиқ айрим муаммолар ва сабаблари аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасида аниқ тақлифлар тайёрланди. Масала депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этилган, тегишли доимий комиссия ҳам кўриб чиқилди. Шундан сўнг бу долзарб масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига

олиб чиқилган бўлди. — Бошланғич ташкилот томонидан кўтарилган ва партияимиз электорати манфаатларига бевоҳита дахлдор бўлган ушбу масала халқ депутатлари туман Кенгашининг ўтган йилиги охириги сессиясида муҳокама этилди. — дейди ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережелов. — Муҳокама жараёнида қишлоқ врачлик пункти фаолиятини янада яхшилаш, тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим тақлифлар ўртага ташланди. Энг муҳими, бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қарор қабул қилинди. Айни пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш ишлари депутатлик гуруҳимиз назоратида турибди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Депутат масъулияти

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, вилоят адлия бошқармаси ҳамда бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинарда Президентимизнинг бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигида бағишланган тантанали маросимдаги мавзусида сийосий партиялар фаолиятини кучайтириш юзасида илгари сурилган қарорлардан келиб чиқадиган вазифалар кенг муҳокама этилди.

— Президентимиз маърузасида сийосий партиялар ва депутатлар фаолиятини кучайтириш тўғрисида билдирилган фикрлар навбатда сийосий партиянинг асосий кучи — депутатлик гуруҳлари ваколатлари билан самарали фойдаланиш лозим. Чунки, партиянинг халқ орасидаги нуфузи, аввало, депутатнинг маҳаллий вакиллик ҳокимиятида амалга ошираётган ишлари, партиянинг Сайловолди дастури ижросини таъминлаш мақсадида қандай ташаббусларни кўтариётгани билан ўлчанади. Бироқ ана шу масъулиятни чуқур ҳис этимаётган депутатларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг билан худудларда депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар муҳокамасига электорат манфаатларига доир масалалар киритишда сустхалликка йўл қўйилмаётгани ҳам кўриш мумкин. Натижада ушбу ҳудудда ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимида камчиликлар кузатилмоқда. Уларни бартараф этиш учун депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини танқидий кўриб чиқишимиз, янги ташаббус ва қарорларни илгари суришимиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни фаоллаштиришимиз лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш ҳар бир депутатнинг бурчидир. — дейди халқ депутатлари Зафаробод шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Аслиддин Абдуллаев. — Айниқса, бугунги кун одамларнинг сийосий таъқир даражаси юксалиб бораётгани депутатларга талабни кучайтирмоқда. Ҳозир одамлар кимга қандай масала юзасидадан муносабат қилишни яхши билади.

Утган йили ўрганишлар натижасида худудимизда пенсия таъминоти, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланди. Бу масалаларни депутатлик гуруҳимиз ўз назорати остида олиб, мутасадди ташкилотлар томонидан камчиликлар бартараф этилишига эришдик. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз кекса ва жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳуқуқлари, манфаатлари таъминлангани борасида ҳам назорат-таҳлил ишларини олиб бораётгани билан ўлчанади. Бироқ ана шу масъулиятни чуқур ҳис этимаётган депутатларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг билан худудларда депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар муҳокамасига электорат манфаатларига доир масалалар киритишда сустхалликка йўл қўйилмаётгани ҳам кўриш мумкин. Натижада ушбу ҳудудда ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимида камчиликлар кузатилмоқда. Уларни бартараф этиш учун депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини танқидий кўриб чиқишимиз, янги ташаббус ва қарорларни илгари суришимиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни фаоллаштиришимиз лозим.

Тадбирда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш билан боғлиқ яна кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шулардан келиб чиқиб, навбатдаги режалар белгилаб олинди.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2014»


спорт мусобақаларига Наманган вилояти мезбонлик қилади



Р.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

«Баркамол авлод — 2014» мусобақалари дастуридан жой олган спорт турлари бўйича бахслар ўтказиладиган бошқа иншоотларда ҳам қурилиш-ободонлаштириш юмушлари қизғин давом этмоқда.

дам, яъни 2000 йилда талаба-ёшларнинг Универсиада мусобақаси илк бор Наманган вилоятида бўлиб ўтган эди, — дейди ҲХДП фаоли, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутаты Саидусмон Тошбоев. — Ушанда ҳам кўплаб янги спорт иншоотлари қурилиб, замонавий анжуман билан жиҳозланганди. Соғлом бола йилда ўтайдиган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ҳам яна янги спорт иншоотларининг барпо этилишига асос бўлади. Мен бугунги тайёргарлик жараёнининг бевосита иштирокчи-ташкилотчиларидан бири сифатида ишонманки, бундай спорт байрамлари фарзандларимизни халқаро миқёсдаги беллашуларда, жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятларига асос бўлади...



БРОНЗА ОЛТИНГА айланади...

Элмурод Тасмуродов (60 кг) юнун-рум кураши бўйича иктидорли спортчиларимиздан бири саналади. У 2013 йилда Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан бир қатор совринларни кўлга киритиб, мутахассисларимиз ишончини оқлади.

Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида шохсунанинг юқори поғонасидан спорт курашлари ассоциацияси томонидан 2013 йилнинг энг кучли полвонлари рўйхатиغا киритилган. Эркин ХОЛБОБОВ

Бугунги кунда мазкур спорт байрамнинг юксак савияда ўтиши учун тайёргарлик ишлари қизғин. Мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва янгиларини қуриш жадал суратларда олиб борилмоқда.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маррасимлари «Навбахор» марказий стадионида ўтказиладди. Президентимизнинг 2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника ба-

Спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар ва маъмурият учун мўлжалланган хоналар ҳамда анжуманлар залида барча қулайликлар яратилган. Мухандислик таъминоти талабларига кўра, йигирма икки минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар пастки ва юқори қаватларга бўлинган. Ногиронлар учун ҳам алоҳида сектор ажратилган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўртта ёритиш миносари стадионнинг тунда ҳам кундузгидай чароғон бўлишини таъминлайди. Видео табло, замонавий аудио тизими мосламалари ва бошқа аж-борот-коммуникация техноло-гиялари билан таъминланган шарҳловчилар хонаси мухлисларни зарур маълумотлар билан тезкор равишда хабардор қилиб бориш, ўйинларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш, теле ва радиотрансляция сифатини оширишга хизмат қилади. — Янгиланаётган «Навбахор» стадиони футбол мухлислари учун аjoyиб совғадир, — дейди

Наманган вилоят футбол федерацияси вице-президенти Баҳромжон Холмирзаев. — Стадионнинг маъмурий биносидан оммавий ахборот восита-лари ходимлари учун хоналар ажратилиб, замонавий восита-лар билан таъминланган. Айни пайтда бу бинода пардозлаш, электромонтаж, сантехника, ҳаво алмаштириш, паст кучла-нишли электр тармоқларини тортиш ва жиҳозлаш ишлари тугаланиш арасида...

— Бундан ўн тўрт йил муқад-

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2014 йил дастури асосида қуйдаги объектнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдоси ўтказилиши эълон қилади

Лот 4-4. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 1176 ўқувчи ўринли 12-сон мактабни мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қўйимат солиғи билан бирга — 1192,746 млн. сўм, қўшилган қўйимат солиғисиз — 993,955 млн. сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — бюджетдан таъқарин таълим ва тиббиёт маъсасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари факат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказиладди.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйдаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети: 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қўйимат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қўйимат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўрновнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитекқурилиш» қўйиматининг қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш Сурхондарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Тел/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйдаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказиладди.

Реклама

Ҳурматли тадбиркорлар ва фермерлар!

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти

Сизларни бошланғич нархи бошқичма-бошқич ўсиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига:

1. «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидаги қуйдаги кўчмас мулк объектлари қўйиладди:

Table with 5 columns: №, Номи, Манзили, Майдони, кв.м., Бошланғич нархи (сўм). It lists 9 lots for auction, including buildings and land plots in various districts of Tashkent.

II. «KAFOLAT» ДАСК (ОАЖ) Тошкент вилоят филиали балансидаги Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосов кўчаси, 219-уй манзилида жойлашган, бошланғич нархи — 13 183 000,0 сўм, умумий фойдалани майдони — 62,22 кв.м. бўлган идора бино ва иншоотлари.

III. Тошкент вилояти, Қўбрай тумани ҳокимияти томонидан тақдим этилган қуйдаги: — Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Қўбрай Зародин» агрофирмаси хуудлидаги, умумий майдони 4,1 ер участкасида жойлашган, «QIBRAY-KARIM-SHER» фермер хўжалигига қарашли, бошланғич нархи — 2 000 000,0 (икки миллион) сўм, 1986 йилда экилган, диаметри 10 см.дан бўлган 340 туپ олма дарахтидан иборат бозор;

— Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ хуудлидаги, умумий майдони 9,9 га ер участкасида жойлашган, «YANGIOBOD-HAYDAROV YORQINJON» фермер хўжалигига қарашли, бошланғич нархи — 12 000 000,0 (ўн икки миллион) сўм, диаметри 17 см.дан 21 см.гача бўлган 326 туپ гилос, 109 туپ ўрик, 570 туپ олхўри, жами 1005 туپ мевали дарахтидан иборат бозор қўйиладди.

Аукцион савдолари 2014 йил 20 февраль куни соат 16-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада (Мажлис залда) ўтказиладди.

Мазкур кўчмас мулк объектлари ва бозорлар ушбу белгиланган савдо кўчмас мулк объектлари тақрида, тақририй аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар набаватдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари соат 16-00да ўтказиладди.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, кўчмас мулк объектлари бошланғич нархининг 20 (йигирма) фоизидан, бозорлар бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипоттекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425; СТИР: 207142288; 20208000204955218001 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахси тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар, мазкур эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари ва вақтларида савдо ташкилотчисининг манзили бўйича қабул қилинадиган ҳафталик савдоси ўтказилишидан икки кун аввал соат 17-00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида белгиланган талабгарлар роя эгтан барча шахслар қатнашишлари мумкин.

Савдо қилинган, қўйимат баённомаси имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, кўчмас мулк объектлари бўйича тўланган зақалат пули миқдори улар сотилиш нархининг 15 (ўн беш) фоизидан, бозорлар бўйича тўланган зақалат пули миқдори улар сотилиш нархининг 10 (ўн) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани зақалат пули тўланган ҳисоб-рақамига тўлаш мажбуриятлари оқилтилади.

Бундан ташқари, бозорларни сотиб олиш шахслар, белгиланган тартибда Тошкент вилояти, Қўбрай тумани ҳокимияти билан бозор жойлашган ер

майдонига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузиши ҳамда ушбу ер майдонидан 10 йил муддат мобайнида мавжуд ихтисослашувчи сақлаб қолган ҳолда оқилона фойдаланиши шарт.

Ушбу кўчмас мулк объектларини ҳамда бозорларни харид қилишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган манзили ва аукцион савдосида қатнашиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги маълумотлар билан Сотувчилар, Тасаруф этиuvi ва Савдо ташкилотчисининг қуйдаги манзилларига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Сотувчи — «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали.

Манзили: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Бешчирор кўчаси, 2-уй. Тел/факс: 259-70-19.

Сотувчи — «KAFOLAT» ДАСК (ОАЖ) Тошкент вилоят филиали.

Манзили: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, 28-уй. Тел/факс: (+8 370) 602-11-45; факс: (+8 370) 602-11-49.

Сотувчи — «QIBRAY-KARIM-SHER» Фермер хўжалиги.

Манзили: Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Қўбрай шаҳарча фуқаролар йиғини хуудлида. Тел/факс: (98) 306-27-68.

Сотувчи — «YANGIOBOD-HAYDAROV YORQINJON» Фермер хўжалиги.

Манзили: Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ хуудлида. Тел/факс: (90) 374-21-51.

Тасаруф этиuvi — Тошкент вилояти, Қўбрай тумани ҳокимияти.

Манзили: Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Зебунисо кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+8 370) 150-76-18; факс: (+8 370) 150-08-44.

Савдо ташкилотчиси — «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти.

Манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Тел/факс: 233-20-13. Расмий веб сайти: ТРП.uz.

Лицензия: №89-0109.

Шунингдек, «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ томонидан 2013 йил 26 декабрь ва 2014 йил 9 январь кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижасига кўра, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидаги Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Олимжонов кўчаси, 5-уйда жойлашган Янгийўл 22-сон АТС бино ва иншоотлари қисми — 83 000 000 сўмга, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 23-уйда жойлашган 5-АТС бинolari қисми — 166 000 000 сўмга, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Сусам» ҚФЙ хуудлида жойлашган АТС бинноси — 12 000 000 сўмга, Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Навдак» қишлоғи хуудлида жойлашган Навдак АТС бинноси — 5 100 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



Table with 3 columns: Name, Title, Name. Lists editorial staff including Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek, MUSTAFOYEV, Muslihidin, MUHIDDINOV, Ochiiboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV, Tat'yana KISTANOVA, and Ochiiboy RAMATOV.

BO'LIMLAR: Parliament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz g — 160 21183 Naxr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 20.45 Topshirilgan vaqti — 01.25 Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV ISSN 2010-7633 1 2 3 4 5